

Ёш болаларнинг орасини ажратиш

05:00 / 15.02.2017 2560

Солим ибн Абдуллоҳ отаси Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«Умар болаларига: «Кундуз бўлганда, тарқалинглар! Бир ҳовлида тўпланманглар! Мен орангизда низо ёки орангизда ёмонлик чиқишидан кўрқаман», дер эди».

Шарҳ: Чунки кўпчилик тўпланиб ўтирганда, бекорчиликдан гап-сўз чиқиб, орада низо чиқиб қолиши мумкин. Шунинг учун бекорчиликда кўпчиликнинг, хусусан, ёшларнинг бир жойда тўпланиб, беҳуда гап сотиб ўтиришлари яхши эмас.